

“ТАСДИҚЛАНГАН”

Ўзбекистон Республикаси
Давлат активларини бошқариш
аентлиги



Директорининг
биринчи ўринбосари

Н.Хусанов

2025 йил _____ -сон

“РҮЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”

Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар миллий
аентлиги



Директорининг
биринчи ўринбосари

В.Пак

2025 йил “____” -сон

M.Ў.

**“ЎЗБЕК ГЕОЛОГИЯ ҚИДИРУВ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИ**

Идентификация
рақами берилди:

R U 1 0 2 P O 9 6 4 T 6

Номинал қиймати 100 сўм бўлган **3 450 728 625** дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги оддий акциялар.

Мазкур чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши иккинчи чиқарилишdir.

Жамият Ягона акциядорининг 2025 йил “4” апрелдаги 65/09-2-qr-сонли қарорига асосан акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор тасдиқланган.

Жамият Ягона акциядорининг 2025 йил “4” апрелдаги 65/09-2-qr -сонли қарорига асосан акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинган.


Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили: 100060, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 11а-уй, тел.: +998 55 503-14-63, электрон почта манзили: info@uzgeo.uz

Эмитентнинг раҳбари:



Ш.П.Алимов

Бош бухгалтер:



Э.А.Шигапов

2025 йил “____” -сон

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): оддий.

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: хужжатсиз.

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): 100 (юз) сўм.

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): 3 450 728 625 дона.

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 345 072 862 500 сўм.

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг хукуқлари: Жамиятнинг акцияларига эгалик қилиш акциядорларга Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 26-27 ва бошқа моддаларида назарда тутилган хукуқларни беради.

Жамият акциядори куйидаги хукуқларга эга:

- жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварагидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш бундан қонунчиликка асосан жамият сирини ташкил қилувчи маълумотлар мустасно;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз хукуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган заарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаф қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қофозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш.

Акциядор қонун хужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: Ушбу чиқарилишдаги акциялар чиқарилиш тўғрисидаги қарорга асосан мазкур чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): 313 655 272 500 (уч юз ўн уч миллиард олти юз эллик беш миллион икки юз етмиш икки минг беш юз) сўм.

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): 3 136 552 725 (уч миллиард бир юз ўттиз олти миллион беш юз эллик икки минг етти юз йирма беш) дона эгасини номи ёзилган хужжатсиз оддий.

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): Жамият томонидан илгари облигациялар жойлаштирилмаган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна): Ушбу акциялар ёпиқ обуна орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: Ушбу чиқарилишдаги акциялар, акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб бир йил давомида жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришини бошлиши санаси: Акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатига олинган кун.

Акцияларни жойлаштиришини тугатиш санаси: Ушбу чиқарилишдаги энг охирги акция жойлашган сана, лекин акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатига олинган санадан эътиборан 365 кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акциялар қимматли қоғозларнинг биржа бозорида битим (битимлар) тузиш орқали қонунчиликда ва биржанинг савдо қоидаларида ўрнатилган тартибда жойлаштирилади. Бунда андеррайтерларни жалб қилиш кўзда тутилмаган.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган хукуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-хукукий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, поча манзили, телефони:

“Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси” АЖ.

Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мустакиллик кўчаси, 107-үй.

Тел.: 71 267-37-42.

Қимматли қоғозларга бўлган хукуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачиси тўғрисидаги маълумотлар:

«DALAL STANDARD» Маъсулияти чекланган жамият. 100170, Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Мустакиллик кўчаси, 107. Телефон: (71) 268-04-01.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли хукуқни амалга ошириш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришда имтиёзли хукуқ кўлланилмайди.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: ушбу чиқарилишдаги акциялар 100 сўмдан жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: Давлат геология қўмитаси (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги) фармойишларига асосан ускуналар, автотранспорт воситаларини ва асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари, ҳисобварак фактуралари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июлдаги ПҚ-319-сон қарорига асосандан топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида олинаётган активлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги ПҚ-187-сон қарорига асосан “Регионалгеология” ДМдан топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида олинаётган активлар “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятига унинг устав капиталидаги давлат улушкини ошириш ҳисобига бериш орқали амалга оширилсин.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайташ тартиби: Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, тўлов воситалари акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб 10 кун ичida қайтарилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (кўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофик ошкор қилиш тартиби: Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги ахборот ушбу чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг қонун хужжатларида белгиланган тартибда Корпоратив ахборотнинг ягона портала (openinfo.uz) ва жамият расмий веб-сайтида (www.uzgeo.uz) эълон қилинади. Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг асли билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 11а-үй манзилда танишиш мумкин.

13. Бошқа маълумотлар: Кўзда тутилмаган.

Ракамланган ва тикилган
вар құлар сони 3

Эмитент әхбари Ш.Галимов

Бош бүжглиптири Э.А.Шигапов

